

8. Sacks, Oliver (2009) Musicophilia: Tales of Music and the Brain. New York, Vintage Books.
9. Schoepp, Kevin (2001) Reasons for using songs in the ESL/EFL classroom, in *The Internet TESL Journal*.
10. Stanislawczyk, Irene – Yavener, Symond (1978) Creativity in the language classroom. Rowley: Newbury House Publisher.

11. www.semanticscholar.org

REZYUME. Ushbu maqolada ingliz tili darslarida musiqa, qo'shiq va she'rlardan foydalanishning ahamiyati muhokama qilinadi. Qo'shiq va she'rlar diqqatni, xotirani, badiiy va musiqiy didni rivojlantiruvchi samarali o'qitish vositalaridir. Ulardan foydalanish darslari jonli, hissiy, ijobiy muhitda bolalarning yuqori faolligi bilan o'tadi.

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассматривается важность использования музыки, песен и стихотворений на уроках английского языка. Песни и стихотворения являются эффективными средствами обучения способствующих внимания, памяти, художественного и музыкального вкуса. Уроки с их применением проходят живо, эмоционально, при высокой активности детей в позитивной атмосфере.

SUMMARY. There are analyzed the importance of using music and songs in ELT classroom in this article. Music, songs and rhymes are effective teaching strategies which promote attention, memorization, artistic and musical taste. Such sort of entertainment may be appropriate for students' learning process, subconscious, and fun and creates a positive atmosphere.

БЎЛГУСИ ЁШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ РОЛИ

А.Г.Қанназаров – таянч докторант

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: ўқувчиларни жисмоний тарбиялашнинг самарадорлиги, ёш мутахассисларни жисмоний тайёрлаш тизими, ўқувчи - ёшлар соғлигининг ҳозирги ҳолати, жисмоний тарбия ва спортнинг универсал имкониятлари, соғлом турмуш тарзи, ўқувчилар жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлашда педагогик ва ахборот технологияларининг ўрни ва аҳамияти.

Ключевые слова: эффективность физического воспитания студентов, система физического воспитания молодых специалистов, текущее состояние здоровья учащихся, универсальные возможности физического воспитания и спорта, здоровый образ жизни, Роль и значение педагогических и информационных технологий в укреплении физической культуры студентов.

Key words: the effectiveness of physical education of students, the system of physical education of young professionals, The current state of health of students, the universal possibilities of physical education and sport, a healthy lifestyle, the role and importance of pedagogical and information technologies in strengthening students' physical culture.

Ҳозирги даврда умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришнинг аҳолини ўрганиш муҳим вазибалардан саналади.

Ўқувчиларда жисмоний тайёргарликни ривожлантиришдан олдин унинг мазмуни нималардан ташкил этилиши билишимиз зарурдир. Мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши ёшларнинг жисмоний, ақлий, маънавий ва рухий баркамоллигига, уларнинг саломатлигига боғлиқдир. Жисмонан соғлом, бақувват, руҳан тетик, ақл-заковатли ёшлар билан мамлакатимизнинг истиқболли келажagini тасаввур қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида Президентимиз Ш. Мирзиёев 2019 йил 8 октябрда ПФ-5847-сонли Фармони эълон қилинди. Ушбу фармонда Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислох қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Концепцияда бир қатор замонавий технологияларни жорий этган ҳолда миллий электрон таълим ресурслари яратилишини жадаллаштириш, хорижий электрон таълим ресурсларини таржима қилиш ишларини ташкил этиш, таълим жараёнида электрон ресурслар салмоғини босқичма-босқич ошириб бориш, электрон ўқув адабиётлар яратиш, уларни мобил қурилмаларга юклаб олиш мақсадида кутубхоналарда QR-код ёрдамида электрон ресурслар ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш. Шунингдек таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, таълим жараёнида халқаро миқёсда кенг

қўлланиладиган замонавий дастурий маҳсулотлардан фойдаланишни ривожлантириш назарда тутилган.

Мамлакатимизда аҳоли жисмоний маданиятини ошириш борасида кўплаб амалий ишлар қилинмоқда ва бунга давлат масаласи сифатида қаралади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июнь ПҚ-3031-сон «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, қарорда асосан жисмоний тарбия ва спорт тадбирларнинг йил давомида ўтказиладиган дастури ишлаб чиқилди. Дастурнинг 4-бандида умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган жисмоний тарбия ва спорт тадбирлар режаси ҳам ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Жисмоний тарбия ва спортга оид миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган хис-туйғуларни илмий ўрганиш ва кенг тарғиб қилишда олимларимиздан Р.Абдумаликов, Т.С.Усмонхўжаев, Р.С.Саломов, Ў.Ибрагимов., А.Атаев, Х.А.Мелиев, Ф.Ахмедов, Ш.Хонкелдиев, А.Абдуллаев., К.Махкамжонов., Х.Т.Рафиев, К.Д.Ярашев, Р.К.Қудратов, Т.Х.Холдоров, Ф.Хўжаев, К.Юсуповларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш зарурдир. Миллий ва умуминсоний қадриятларни илмий ўрганиш ва тарғиб қилишда олимлардан академик Ж.Туленов, профессорлар М.Муродов, У.Қорабоев, И.Жабборов, Н.Бекмуродов, Т.Жавлиев, Ф.Ахмедов кабиларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Бугунги кунда бутун дунёда ахборот алмашишнинг қулай воситаси сифатида мобил технологиялар кенг қўлланилмоқда. Мобил технологиялар турмушимизнинг турли соҳалари, жумладан, ишлаб чиқаришда, саноатда, тиббиётда ва таълим жараёнида ўз ўрнини мукамал эгаллаб келмоқда.

Шу нуктаи назардан, олий ўқув юртларида мутахассисларни тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришга ва уларнинг касбий тайёргарлигига қўйилган давлат таълим стандартлари

талабларини амалга оширишга оид илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, жумладан, махсус мобил иловалар яратиш, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий фаолиятга оид ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил этишнинг шакл, метод ва воситалари, янги инновацион технологияларини ўқув жараёнига қўллаш, ихтисослик фанларидан бўлажак мутахассисларни касбий билим кўникмаларини ошириш учун ўқув-услубий таъминотларни яратиш каби ишларнинг етарли даражада олиб борилмаётганлиги ишимизнинг долзарблигини белгилайди.

Бугунги кунда соғлом авлодни шакллантириш энг муҳим вазифалардан биридир. Бунга энг аввало соғлом турмуш тарзини шакллантириш, турли маиший шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялашнинг моддий асосини белгилаш, яъни давлат томонидан иктисодий ва молиявий қўллаб-қувватлаш билан давлат дастурларининг қабул қилинганлиги ва уларнинг амалиётга самарали тадбиқ этиб келинаётган давлатимизнинг баркамол авлодни тарбиялашнинг асосий негизи ҳисобланган ёшларга, оилага, соғлом авлодга бўлган эътиборидан далолатдир.

Замонавий таълим муассасида таълим жараёни кўп қиррали ва мураккаб фаолиятдир. Жамиятимиз ўқитувчиларнинг елкасига, ёш авлодни миллатимиз миллий бойлигини сақлаш ва қўпайтириш, миллий кадриятларимиздан келиб чиққан ҳолда жисмоний тарбиялаш, шахсни ижтимоий ва маънавий йўналтириш каби долзарб масалаларни қўйган. Маълумки вилоятлар марказлари ва бошқа шаҳар ҳамда туманларда касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг таркибда педагогика, тиббиёт, маданият, санъат – рассомчилик, қурилиш ва бошқа турли соҳалар кенг ўринни эгаллайди. Уларда умумтаълим давлат таълим стандартлари асосида “Жисмоний тарбия” дарслари ўтилмоқда. Жисмоний маданият ўқитувчи ташкилотчи, гапга уста, таҳлил қилувчи, адабий, оғзаки ва ёзма тилига, психолог бўлиши, педагогик жараён ва тарбияни қатий мантиқига эга бўлиши керак. Шу хусусиятга эга бўлган ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқотда бўла олади, ўқитишнинг сифатини ошира олади. Таълим сифатини оширишда ўқув жараёнини ташкил қилиш ва ўқитувчи-ўқувчи муносабатларининг самарасининг аҳамияти катта қўйилган масалаларни ечишда ўқувчилар билан интерфаол мулоқот ёрдам беради.

Бугунги кунда таълим жараёнида интерфаол усуллар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларни ўқувжараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида “Ўқитишнинг илғор шакллари ва янги технологияларини, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш” асосий масалалардан бири эканлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев айтганидек “Ҳозирги кескин рақобат шароитида инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириш иқтидорли ёшларнинг илмий фаолиятига кенг жалб этиш, ўз ижоди ва интеллектуал салоҳияти рўёбга чиқаришлари учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу масалани бажаришда ўқувчи ёшларни эркин, мустақил фикрлашга ўргатиш таълимнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўқувчи эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар.

Тадқиқотчиларнинг фикрича педагогик технологиялар – бу ахборот технологияси билан боғлиқ, ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланиши зарур

бўлган турли хил техникавий воситалардан фойдаланиш деб исботлашган. Бизнинг фикримизча, педагогик технологиянинг энг асосий негизи – бу ўқитувчи ва ўқувчи-талабанинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижа ҳамкорликка эришиш учун танланган технологияларга боғлиқ деб ҳисоблаймиз, яъни ўқитиш жараёнида, мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида ўқувчи-талабалар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишласа, излансалар, таҳлил эта олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, ана шу ўқитиш жараёнинг асоси ҳисобланади. Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор, яъни ўқув жараёнидаги педагогик технология – бу яқка тартибдаги жараён бўлиб, ўқувчи-талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришига қаратилган педагогик жараёндир.

Замонавий педагогик технологияларнинг турлари ва йўналишлари кўп бўлиб, улардан касб-хунар коллежларида кўпроқ, ўқувчи шахсига йўналтирилган таълим, дидактик ўйинлар, интерфаол машғулотлар, муаммоли вазиятлар яратиш, лойиҳалаш методи кабилар қўлланилади. Касб-хунар коллежи педагогик кенгашлар ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш ўтказишга замонавий ёндашувлардан бири сифатида белгиланган мақсад ва вазифаларга мос келадиган илғор педагогик технологиялар, интерфаол усуллардан фойдаланиш ҳам муҳим ўрин тутди. Булардан “Кластер” (тармоқлаш) методлари турли мавзуларда кўпроқ ишлаштирилиб турлича талкин этилади. “Кластер” усулининг турли мавзуларга мослаштирилган ҳолда қўлланилиш шакллари кластер-чамбарак, кластер-овал, кластер-юлдузча, кластер-узум шодаси ва шу кабилалар иборат.

“Кластер” бу интерфаол усул ҳисобланиб, педагогик-дидактик стратегиянинг муайян шаклидан иборат. У тарбияланувчиларда фикрлаш қобилиятини кенгайтиришга ёрдам беради. Унда аниқ бир объект талланиб объектнинг турли қирралари очиб берилади ва, албатта, тарбияланувчиларни психик процессларнинг ривожланишига ёрдам беради. Бунда ўқувчиларнинг кўриши, сезгиси, хаёл тезлиги, нутки ва, албатта, тафаккури ривожланади. Ўқувчини хаёл қилишга, ўйлашга, тасаввур қилишга, энг асосийси эса (хатоми, тўғрими) фикрлашга ҳаракат қиладилар. Бундай машғулотларда иштирокчи тарбиячиларни кичик гуруҳларга ажратилади ёки яқка тартибда топшириқлар берилади. Берилган топшириқ – мавзулари ёки муаммоларнинг ечимларини топиш учун уларни машғулот раҳбари билан ҳамкорликда педагогик ва психологик нуқтаи назарлардан таҳлил этиб, хулосалар умумлаштирилади.

Биз яқунловчи анкета, савол-жавоб, суҳбат, кузатишлар ва тадбир жараёнларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Бошланғич синф ўқувчилари жисмоний тарбия ва спорт тадбирларининг алоҳида қисмларидан фойдаланиш тавсия этилади. Шунда ўқувчилар учун фойдали ва қизиқарли бўлади.

2. Жисмоний тарбия ва спорт тадбирларидан унумли фойдаланмасликларининг асосий сабаблари ўқитувчи ўқувчиларнинг мазкур вазиятларига жиддий ёндашмасликлари, унга шунчаки тадбир деб қарашлари, бу жараёнда билимларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратмасликларини кўрсатиб ўтдилар.

3. Амалиётда жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини таснифлаган ҳолда қўллаш кутилган самарадорликка эришиш имконини беради.

Амалиётни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчиларга жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари орқали миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган хис-туйғулар асосланган ҳолда ажратилмаган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жисмоний тарбия дарслардаги методлардан, синфдан ташқари ва мактабдан ташқари ишлардаги методлардан фойдаланиш орқали миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган хис-туйғуларни

сингдириш имконияти мавжуддир.

Ўқувчилар бир-бирига ўхшаш спорт турларини тарафлари ва асосий фарқларини топадилар, уларнинг асосий белги ва фарқларини ўйин орқали билиб оладилар, уларда мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш кўникмалари ҳосил қилинади.

Мазкур усуллар мактаб ўқувчилари билан ўтказиладиган машғулотларда қўллаш- уларнинг ижодий фикрлашига, билим, кўникма ва малакаларининг шаклланишига хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июнь ПҚ-3031-сон «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

2. Қудратов Р.Қ. Енгил атлетика// Дарслик. -Т.: ЎзДЖТИ, 2011. 367-б.

3. Шокиржонова К.Т. Енгил атлетикада бошқарув ва педагогик назорат. Ўқув қўлланма. Тошкент – 2009. 58 бет.

4. Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика илмий тадқиқот институти. “Таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш: муаммолари ва ечимлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция тўплами. -Т.: 2014.

5. Маматов М.М. Спорт психологияси курсидан маърузалар матни. – Т.: 1999.

6. Бернштейн Н.А. Физиология движений и активность. – М.: 1990.

7. Выготский Л.С. Развитие высших психических функций. – М.: 2003.

8. Кретти Б.Д. Психология в современном спорте. – М.:1980.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақола мамлакатимизда бўлғуси ёш кадрларни жисмонан соғлом тайёрлаш ва самарадорлигини оширишда ахборот технологияларидан фойдаланишга қаратилган.

РЕЗЮМЕ. Эта статья предназначена для использования информационных технологий в области здоровья и благополучия молодого поколения.

SUMMARY. This article is intended for the use of informational technologies in the health and well-being of the younger generation.

PROJECT-BASED LEARNING APPROACH IN DEVELOPING LANGUAGE SKILLS: PRESETT EXPERIENCES

D. Dj.Mamirbaeva – Ph.D., Associate Professor

D.Jumamuratova – second-year Master student

Nukus state pedagogical institute named after Ajiniyaz

Tayanch soʻzlar: loyihaga yoʻnaltirilgan oʻrganish yondashuvi, til koʻnikmalari, uslub, ingliz tilini oʻrgatish.

Ключевые слова: проектно-ориентированный подход обучения, языковые навыки, техника, обучение английскому языку

Key words: Project-based learning approach, language skills, techniques, teaching English

Introduction. English is the third most spoken native language in the world, after Standard Chinese and Spanish. It is the foremost broadly learned second language and is either the official language or one of the official languages in nearly 60 imperial states. The role and impact of English nowadays are picking up a better speed in the world as well as in Uzbekistan. The most variables for this marvel incorporate extending communication with the world after gaining the independence and increasing speed and scope of information exchange within the worldwide town. The dominant position in the web space by the language of the distributed substance is immovably held by English, which could be a solid inspiration to learn English for those who wish to advance their worldwide competences.

The modern society of Uzbekistan lives and creates in a rapidly changing world, the reality is such that the continuous improvement of financial sectors and the social sector has become an essential condition for the country's progress. The Republic of Uzbekistan is certainly and powerfully moving towards its fundamental objective - joining the number of developed democracies [1]. The main instrument of this desire is the education system, built on the forms of systematization, creative processing and utilize of the experience of past eras. In the period of a modern stage of improvement, education must meet the current needs of society. In the context of the development of civil society, education is one of the priority tasks of the state. In conditions of improving all spheres of socio-economic life, the formation of civil society institutions in the country, an important factor is the further development of preschool

institutions and secondary schools, which provide an innovative breakthrough in obtaining decent knowledge with the help of qualified teachers [2]. The most important condition was the introduction in the activities of children's educational institutions, secondary special educational institutions, the main provisions of the Strategy for innovative development of the country for 2019-2021, which states that “the main objectives of the Strategy to achieve the main goal: the entry of the Republic of Uzbekistan by 2030 into 50 leading countries of the world in the ranking of the Global Innovation Index “Improving the quality and coverage of education at all levels, developing a system of continuing education, ensuring the flexibility of the training system based on the needs of the economy.” [3].

In this article we would like to share some experiences of using project-based approach in teaching English based on Pre-Service English Teacher Training (PreSETT) Program curriculum for preparing teachers of English at a University level which was endorsed from September 2013 in all 18 institutions located in all 12 regions. This curriculum is the product of a long-term partnership project between the British Council and the Ministry of higher and second-ary specialised education (MHSSE) in Uzbekistan. The project was launched in 2008 after the Baseline Study, i.e. analysis of the current situation to identify the starting points for a project, was conducted in 2007. The project was aimed at achieving lasting improvement in the standard of English language teaching in Uzbekistan by enhancing